

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ДУНЁ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Китоб билан дўстлашамиз						
Муддати	Февраль ойининг 4-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларга ўртача тезликда, илон изи бўлиб югуришни ўргатиш, уларда жисмоний машқларни бажаришга қизиқиш уйғотиш, спорт билан шуғулланиш саломатлик гарови эканлиги ҳақидаги тушунчаларни сингдириш					
	Ижтимоий–ҳиссий ривожланиш	Болаларда ҳаёт, бадий асарлардаги ижобий қаҳрамонларга ўхшаш фазилатларни тарбиялаш. Уларга яхшилик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни бадий асарлар орқали сингдириш. Ёмонлик ва ёвузликларга қарши ўз фикрларини ифодалашга ўргатиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	“Китоб менинг дўстим”, “Севимли китобим”, “Эртақлар оламига сайёҳат” каби рукнлар остида болаларни китоб севишга ундаш, уларни китоблардаги ёрқин ранг, қизиқарли воқеа, ажойиб саргузаштларга саҳналаштириш, театрлар орқали олиб кириш. Сўз бойлигини ошириш, бадий ўқишга бўлган қизиқишларни ошириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Барча марказлардаги фаолиятларни китоб мавзусига боғлаш орқали китобнинг энг яқин дўст эканлигини тушунтириш. Китоб дўкони, типографияларга слайдлар орқали сайёҳат қилиш ва уларда кўрганлари асосида кичик ҳикоялар тузишга ўргатиш.					
	Ижодий ривожланиш	Бадий китоблардаги расмларда берилган ранглар,тасвирлар, воқеалар кетма-кетлигини кузатиш орқали болаларни тасвирий фаолиятга қизиқишларини тарбиялаш. Рангларни танлаш, уларниўз ўрнида қўллаш малакаларинитарбиялаш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий- тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, ясаш ва математика	Алоҳида қоғоз варақларидан альбом		Рангли тўпчалар		Керакли анжомлар ва жиҳозлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш	Биз экскурсиячилармиз				Автобус макети, руль, стулча, шаҳар тасвирланган расм,чипта,овоз кўтариб берувчи карнай	
	Тил ва нутқ	“Нима етишмайди?” таълимий ўйини		Ҳикоя: Соатнинг ичида ким яшайди?		Мавзуга оид суратлар,турли хил ўйинчоқлар	
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: Камалакни излаб				Сандик, клеенка, лой, лупа, банкалар, салфетка	
	Санъат	Лой иши:Таниш ўйинчоқни яса		Аппликация: Шаклларни ўз ўрнига ёпиштир		Расм: Эртаксимон дарахт	Ўйинчоқнинг андозаси, қора қалам, бўёқ, мўйқалам, ҳар бир бола учун салфетка. А4 ҳажмдаги қоғоз, пластилин, таёкча, (мунчок, бисер), табиий материаллар: тухум пўчоғи, ёнғоқ, ловия, кесма нақш элементлари, қопқоқча, тахтакачлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ. ТҮРТИНЧИ ҲАФТА КИТОБ БИЛАН ДЎСТЛАШАМИЗ

Қуриш, яшаш ва математика

Яшаш: Алоҳида қоғоз варақлардан альбом

Мақсад: болалар қоғознинг (қалин, юпка, пишиқ) хусусиятларини биладилар, қоғоз билан турли фаолиятларни (ғижимлаш, букиш, кесиш ва ҳ.к.) амалга оширадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли рангдаги қоғоздан ясалган Лолахон қўғирчоғи намунаси, бола сонига етарлича А-4 ҳажмли оқ қоғоз, қоғознинг турли хилларидан (юпка, рангли, ватман қоғоз, картон, конфет қоғози) тайёрланган квадрат шакли, идишда сув, сочикча, қоғоздан тайёрланган буюмлар (китоб, альбом, сочикча, расм, ўйинчоқ, газета, журнал, театр учун ниқоб ва бош кийимлар).

Фаолиятнинг бориши:

1. Лолахон қўғирчоғини томоша қилиш.
2. “Қоғоздан нималар яратилади?” таълимий ўйини.
3. “Қоғоздан тайёрланган буюмни келтир” таълимий ўйини.
4. Амалий тажриба: “Қоғозни ғижимлаш”: Қоғозни ғижимлаб кўринг, бу осонми? Ўзингиз ўтирган стулни ғижимлаб кўринг, ўхшаяптими? Фарқи нимада? Ёғочдан ясалган буюмлар мустаҳкам ва қаттиқ, қоғоздан тайёрлангани эса мустаҳкам эмасва юмшоқ.

Амалий тажриба: “Қоғозни йиртиш”. Қоғозни йиртиб кўринг. Буни бажариш осонми? Сочикни йиртиб кўринг, йиртилдими? Нима учун? Чунки, мато қоғоздан пишиқ.

Амалий тажриба: “Қоғоз ва сув”. Қоғозни идишдаги сувга солинг. Қаранг, қоғоз сочик (салфетка)лар сувни шимим олди. Уларни қўл билан олишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Нима бўлди? Улар йиртилди. Қолган қалин қоғозлар сувда узоқроқ турди.

5. Болалар ижодий ишлари жараёни.
6. Ишлар кўргазмаси

Қўшимча: мавзуга доир шеър ёки мақоллар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: тафаккурни ва майда моторикани ривожлантириш.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Рангли тўпчалар- қумоқчалар

Мақсад: болалар инсон ҳаётида қоғознинг ўрни ва аҳамиятини биладилар, ўз луғатларини янги қоғоз, қоғоздан ясалган ва пишиқ сўзлари билан бойитадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоздан кесма квадратлар, мавзуга оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид суратларни томоша қилиш.
2. “Бўлади – бўлмайди” таълимий ўйини.
3. Нафас олиш машқлари.
4. Ишни бажариш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: қоғоздан яшаш: “Тўплам”.

Эътиборга молик жиҳати: тафаккур ва майда моторикани ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Биз экскурсиячилармиз

Мақсад: болалар бевосита кузатиш орқали, суҳбат, томоша қилган расмлари, китоблари, ҳосил бўлган билимлари асосида сюжетни ҳосил қиладилар, транспортларни бошқарувчи касб эгалари фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўладилар, ролларни мустақил ҳолда тақсимлайдилар, ўйиннинг асосий ғоясига мувофиқ равишда ўйнайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: автобус макети, руль, стуллар, шаҳар манзаралари акс этган суратлар, чипталар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш
2. Объектларни танлаш
3. Шаҳар бўйлаб саёҳатқилиш.
4. Расмларни томоша қилиш.
5. Саёҳат тассуротлари юзасидан суҳбат.

Қўшимча: Ўзбекистонда жойлашган шаҳарларнинг суратларини кўриш. Саёҳат асосида расм чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: боғланган нутқни ривожланиши, диққат, хотира, билишга бўлган қизиқишлари, жамоа жойларида ўзини тута олиш одоби.

Тил ва нутқ маркази

Нима йўқ?

Мақсад: болалар эртак қаҳрамонларини танийдилар, сўралган қаҳрамонларни расмларда кўрсатиб берадилар, расмларни кўриб, бу расмда қайси бадий асар акс эканлигини билишга ҳаракат қиладилар, расмлардаги чалкашликларни топа оладилар, диққат ва нутқни ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: эртак қаҳрамонлари акс этган расмлар, карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кузатиш
2. Расмлардаги чалкашликларни топишга ҳаракат қилиш.
3. Эртак қаҳрамонлари ҳақидаги фикрларни баён қилиш.
4. Иккинчи вариант сифатида “Қайси расм йўқ?” таълимий ўйини ўйнаш.

Қўшимча: Берилаётган расм ва карточкаларни танлов асосида тарифлаб беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйинда болаларнинг ҳамкорлик ва дўстона муносабатлари.

Фан ва табиат маркази

Камалакни излаб

Мақсад: болалар хонада камалакни кўриш услуби билан танишадилар, янгиликларга интилиш ва уларни амалга оширишга қизиқишни оширадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тоғорача, кўзгу, оқ қоғоз, рангли бўёқ, мўйқалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. Камалак ҳақида суҳбат
2. Камалак тасвирланган расмларни кузатиш
3. Амалий тажриба: Камалак қандай ҳосил бўлади?
4. “Камалакни йиғ” таълимий ўйини.
5. Амалий тажриба: “Камалак”. Тоғора четига кўзгу ўрнатилади. Кўзгу ёрдамида қуёш нурунинг акси қоғозга йўналтирилади.
6. Ўтказилган тажрибаларни хулосалаш

Қўшимча: берилган расм асосида камалак чизиш тавсия этилади, ёки тажрибадан кўрганларни расмда акс эттириш

Эътиборга молик жиҳати: болаларни фаолликка чорлаш.

Санъат маркази

Таниш ўйинчоқни яса

Мақсад: болалар ўзига кўпроқ ёққан ўйинчоқни танлаб, унинг асосий қисмини қандай яшаш кераклиги билиб оладилар, лойдан яшаш қондалари ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади, ўзлари ясаган ўйинчоқ ҳақида қисқача ҳикоя туза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: доира шаклидаги ўйинчоқлар (минора, тебранма кўғирчоқ, шиқилдоқлар, мушукча, айиқча, жўжача ва бош).

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқлар кўргазмасини томоша қилиш.
2. Ўйинчоқнинг шакли ва қисмлари, катта ҳамда кичиклигини аниқлаш.
3. Яратишни хоҳлаган мавзуга керакли жиҳозларни танлаш.
4. Ўйинчоқни яшаш жараёни. Лой ишини бажариш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: жараёнда ўйинчоқнинг шакли ва қисмлари, катта ва кичиклигини аниқлаш.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввур, ташаббус, мустақилликни ривожлантириш.

Санъат маркази**Шаклларни ўз ўрнига ёпиштир**

Мақсад: болалар эҳтиёткорлик билан қирқиш ва елимлашни биладилар, берилган вазифаларни охирига етказиб геометрик шаклларни ўз ўрнига жойлаштирадилар, берилган вазифаларни бажариш орқали математик тасаввурларини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: альбом варақлари, болалар танловига кўра рангли қоғозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Танграм ўйинидаги турли геометрик шакллардан тузилган расмларни кўриб чиқиш.
2. Берилган шаблонлардан ёққанини танлаб олиш.
3. Шаблонлардаги чизмалар асосида шаклларни жойлаштириш.
4. Бажарилган ишнинг тўғри эканлигини текшириб чиқиш.
5. Болалар дўстларининг ишларини кўриб чиқадиладар ва ўз фикрларини берадилар.

Қўшимча: "Шаклларни жонлантир" вазифасини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақиллик, фаоллик ҳамда эстетик туйғуларни ривожлантирилиши.

Санъат маркази**Эртаксимон дарахт**

Мақсад: болалар дарахт расмини чизишда эртақ тимсолини яратадилар, дарахт шаклини чизиш ва бўяшни биладилар, дарахтга қўшимча кўз, қош, эшик ва бошқа қўшимчалар киритиш мумкинлигини билади ва ўз ижодий ишини ярата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қалам, А-4 ҳажмли қоғоз, мавзуга оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид суратларни томоша қилиш.
2. Намуна сифатида берилган расмлар асосида жиҳозларни тайёрлаш
3. Эртаксимон расмини чизиш
4. Расм юзасидан болалар изоҳи.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: расмларни сюжетли-ролли ўйинлар марказига саҳналаштириш ишлари учун декорация сифатида тақдим этиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий лаёқатлар ва тасаввурларни ривожланганлиги.